



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 15 апрель, №80 (3192) Сешанба

Агросаноат мажмуи йиғилиши

Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2003 йил биринчи чорагида қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини Н.Юсупов бошқарган йиғилишда Президентимиз Илмом Қаримов раҳнамоларида мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳа самардорлигини юксалтириш, дала меҳнатқилларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида қишлоқ хўжалигини янада жаллалашнинг устувор вазифалари белгилаб берилди. Бугунги кунда ушбу Фармон ижросини таъминлаш учун ширкат, фермер

сида саъй-ҳаракатлар лаво эттириляпти. Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларга амалдаги аванс бериш ўрнига деҳқон ва фермерларга имтиёзли кредитлар бериш тартиби жорий этилди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, ҳамма жойда ҳам ижро интизомига етарлича эътибор берилмапти, ширкат ва фермер хўжаликлари билан тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартнома тузиш ҳалигача тугатилмаган.

Мажлисда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари янада кенгроқ имконият ва қулайлик яратиб бериш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида мутасадди ташкилот раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди. (ЎЗА).

Шаҳар транспортининг исติқболли

Пойтахтнинг «Шодлик» меҳмонхонасида Жаҳон банкнинг Ўзбекистон Республикасидаги кичик ва ўрта шаҳарларда йўловчи ташит транспортини ривожлантириш лойиҳасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги бошлиғи А. Абдувалиев бошқариб борди.

Таъкидландики, сўнгги йилларда шаҳар йўловчи ташит транспортини кўп қисмида яхшилаш юзасидан бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, соҳани ривожлантиришнинг аниқ стратегик концепциялари ишлаб чиқилди. Утган қисқа вақт ичида эса мажмуа концепциянинг биринчи талаби муваффақиятли амалга оширилди. Айтиш мумкин, бу борада рўйхатга олинган 850 та автобус ва микроавтобусларнинг 700 таси тендер қўғилари сифатида фаолият қўрсатаётганлиги бунинг тасдиғидир. Қолган қисми хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келаятганлиги эса соҳада тадбиркорлик фаолиятининг ривожланаётганлигини далиллади. Шулардан келиб чиқиб, соҳада хусусий секторнинг улуғи юқори бўлган ҳудудлар — Қорақалпоғистон Республикаси, Намангон, Самарқанд ва Андижон вилоятларида уюшмалар ташкил этиш бошлан-



Фарғона Давлат университетининг «Экология» кафедраси қошида микробиология, экология ва ўсимликлар физиологияси фанлари бўйича илмий ишлар ва амалий машғулотларни олиб бориш учун лаборатория ташкил этилган. Унга қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди, доцент Фулом Исломов етакчилик қилмоқда. Муҳими, ушбу лаборатория кўпга бўлажак экологлар ва биологларнинг севимли масканига айланган. Улар бу ерда турли тажрибалар ўтказиб, ўз bilim ва малакаларини оширмоқдалар.

СУРАТДА: табиъатшунослик факультети 3-босқич талабаси Шодия Холдорова тажриба ўтказмоқда. Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Мулк ҳам, ҳосил ҳам кафролатланади

«Ўзгросуртга» давлат-акциядорлик суртга компанияси жамоаси 2002 йилдаги иш натижаларини таҳлил қилди. Компаниянинг 181 та ҳудудий бўлимиаси мавжуд бўлиб, ўз фаолиятини Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ олиб бормоқда. Утган йили қишлоқ хўжалиқ корхоналари ва қишлоқ аҳолисини суртгавий хўжалиқ олиш ва қамров даражасини ошириб бориш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Натижада суртга соҳасига бўлган эътибор ва суртга компанияларига бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда.

2002 йилда жами йиғилган суртга муқофотларининг ҳажми 4 млрд. 636 млн. сўмга тенг бўлди, йиллик режа 104 фоизга бажарилди. 2001 йилга нисбатан ўсиш 226 млн. сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиқ корхоналари билан жами 1598 та ихтиёрий суртга шартномаси тузилди. Ушбу шартномалар бўйича жами 785 млн. сўм суртга товоғлари тўланди. Фермер хўжаликлари билан 2002 йилда жами 6675 та ихтиёрий суртга шартномаси тузилди. Ушбу шартномалар бўйича жами 353,8 млн. сўм суртга товоғлари тўлаб берилди. Ҳозирги вақтда туман марказларида олис ҳудудларда деҳқончилик қилаётган фермер хўжаликлари қулайлик яратиш мақсадида кенг кўламли агентликлар очилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 мартдаги «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатishга доир кеңиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан табиъий офатлар эҳтимоли юқори ҳудудларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари мол-мулкни, боғ ва тоқзорларини, чорва молларини ва экинзорлар ҳосилини суртга тўлаш ишлари олиб борилмақда. Дилшод УСМОНОВ.

Пойтахтимизда

МАГИСТРАТУРАЛАР ТАЪЛИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент архитектура ва қурилиш институтида 1999 йилда илк бор магистратура бўлимига талабалар қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда бу ерда 17 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Маъмур олий таълим муассасасида магистратура таълимининг сифати ва савиясини янада яхшилаш борасида янги-янги тадбирлар кўрилмақда. Жумладан, магистрантлар архитектура ва қурилиш соҳаларининг энг долзарб муаммоларини ўз илмий ишларида мавзу қилиб олмақдалар. Институтда компьютер технологиясига ўтилганлиги магистрлик илмий ишларининг сифати ва аниқлигини оширмоқда. Ниҳоят, бу даргоҳда ҳозирги фан-техника тараққиётида салмоқли ўрин тутган бирор чет тилини чуқур эгаллаш-магистрантлар олдида асосий вақфлардан бири сифатида қўйилмоқда. Ҳатто уларнинг айримлари ўз илмий ишларини биронта хорижий тилда тайёрлаб ҳимоя қилмоқда. Утган йили институтда яна бир тадбирга киришилди. Бу ерда магистрантлар илмий иш ҳимояси олдидан илмий-амалий анжуман ўтказилди. Шу йилнинг 9-10 апрель кунлари магистрантларнинг навбатдаги шундай анжумани бўлиб ўтиб, унда 110 нафар магистрант илмий маърузалар билан чиқдилар. Бу анжуманининг аҳамияти шундаки, магистрантлар ўзлари тайёрлаётган илмий иш бўйича мана шу анжуманининг маърузачилари тингловчилари олдида синовдан ўтадилар. Маърузалар муҳокамасида институт профессор-ўқитувчиларидан ташқари тегишли вазирликлар, йирик архитектура ва қурилиш ташкилотларининг тажрибали вақиллари сўзга чиқиб, магистрлар илмий маърузасининг ютуқлари ва камчиликларини батафсил ва рўй-рост таҳлил этдилар. Магистрантлар билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида ўз илмий ишларини ё мароминга етказиш, ёки қайта ишлашди. Бундай анжуманлардан мақсад — таълим ва ҳаёт интеграциясини фаоллаштириш, шу асосда юқори малакали, рақобатбардор магистр-кадрларни тарбиялаб етиштиришди.

Жойлардан хабарлар

«Ал-Бухорий» додруғи

Кейинги икки йилда хонободлик тадбиркор Абдуҳалим Маматовнинг «Ал-Бухорий» фирмаси юз миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди. Бугунги кунда бу маҳсулотлар мижозлар томонидан сўйиб ҳарид қилинмоқда. Хонобод ва Улуғнорда қад ростланган коллежларнинг муштумачи бинолари, Жалолобод ва Хонобод ўртасидаги божхона маскани, қатор ишчиотлар қишлоқ ҳўнамаллари, усталар қўлида сайқал топанг элик-ромлар, жиҳозлар билан тағин-да кўркамлик касб этди. Бундан ташқари жамоа «Ўзбекистон-Корея» «УзКолДж» қўшма корхонасига ҳам ўз миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

Миллий аъёнларнинг иш узлаётган усталар Тошкентдаги «Муъаввир» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома туздилар. Мақсад — халқ амалий санъати дўрмонларини яратиб, четга иккон қадар кўпроқ маҳсулот чиқаришди. О.ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Журналист ва ҳуқуқ

Жиззах вилояти Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция, «Сўз-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар» мавзусига бағишланди. Республика Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалиқ суди, Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари ва маъсўл ходимларнинг «Конституциявий ишларни юритиш муаммолари, ислохотлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ертилиши», «Сўзлар фаолиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли», «Прокуратура соҳасидаги ислохотларни тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорлик», «Ички ишлар органлари фаолиятини тўғрисида аҳоли фикрини шакллантиришдаги вақфлар» каби мавзулардаги чиқишлари тадбир иштирокчиларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

Журналистларнинг сўз-ҳуқуқ соҳасига ихтисослаштириш хусусида жиддий мулоҳазалар билдирилди. Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яккабоғда Меҳнат бозори

Яккабоғ туманида бун иш ўринлари ярамқасини ўтказиш аниқланган бўлмоқда. — Яккабоғ тумани ҳокимлигининг ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими тумани ҳокимлиги, тумани прокуратураси ҳамда маҳаллалар ҳўнамаларида мунтазам равишда бўлиб иш ўринлари ярамқасини ўтказиб келинмоқда, — деди туман меҳнат бўлимининг бошлиғи Бойназар Давиров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Биринча ўтган йилда туманда 3 марта меҳнат ярамқасини ўтказилиб, 576 нафар ишсизлар турли касблар бўйича ишга жойлаштирилди. Бу билан аҳолининг ишга бўлган талаби анча қондирилди.

Хитой олими доктор бўлди

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги билан алоқалари самарали бўлмоқда. Ана шу ҳамкорлик туфайли Тошкент Давлат педагогика университети билан Хитойнинг Чань-Чун шаҳридаги Шимол-шарқий педагогика университети ўртасида ўзаро илмий тажриба алмашиш йўлига қўйилди. Узаро келишувга мувофиқ Хитой олий ўқув юртининг доценти Лю Сяо Мин малака ошириш учун мамлакатимизга келган эди. Яқинда у «Мақтаб психологик хизмати ва ўқувчиларнинг руҳий соғлиги муаммолари» деган мавзудаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, ўз она юртига ёрут юз билан қайтди. А. АЛИЕВ.

Юзакичилик — шартномага ёт!

Ўзаро олди-берди қадимдан бор. Айниқса, етиштирилган мева-чева ёки ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишда бу яққол намоён бўлган. Бундай ўзаро муносабатлар шартнома шаклига кўчган ҳозирги пайтда томонлар ўз зиммасидаги мажбуриятларни қанчалик бажарса ишида ўсиш бўлиб, обрў-эътибори шунчалик ортиб борди. Акс ҳолда эса...

Дарҳақиқат, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактиция шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низом»га қўра тузилаётган шартномаларда предмет номи, етказиб берилган товарнинг миқдори, сифати, асортименти ва баҳоси, шартномаларнинг бажарилиш муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шартнома бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилиши белгиланган. Булардан ташқари, амалдаги метёрий ҳўжатларга мувофиқ, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан тузиладиган контрактиция шартномаларида буюртмачи томонидан аванслар тўланиши ҳам кўрсатилиши керак.

— Урганишлар жараёнида, — дейди Алдия вазирлигининг бошқарма бошлиғи Шокир Саидов, — шартномалар қонун талабларига риоя этилмадан расмийлаштирилмаётгани, аксарият ҳолларда тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз мажбуриятларини бажаришнинг аниқ муддатларини белгиланмадан туриб, фермер хўжаликлари билан нотенг шартлар асосида шартномалар тузиш ҳоллари аниқланмоқда.

Айтиш жоизки, шартномаларда мажбуриятларнинг бажарилиш муддатларини аниқ кўрсатмаслик билан монопол ташкилотлар, албатта, ўзларининг жавобгарлигини чеклайди. Масалан, Сурхондарё вилояти Қизилқум туманидаги «Пилла қуриш» акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалиқ корхоналари билан тузилган 165 та шартноманинг барчасида ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари белгиланмаган. Бу эса етказиб берилган маҳсулот ҳақининг хўжалиқларга ўз вақтида тўланмаслигига олиб келган. Натижада ушбу жамият 156 та фермер ва 9 та ширкат хўжалигига 2002 йил май-июнь ойларида топширган маҳсулотига октябр ойигача ҳисоб-китоб қилмасдан келган. Бундан аёнки, пилдакор етиштирилган маҳсулотни ҳақини олти-етти ой ололмаган.

«Ўзқишлоқхўжалиқим» давлат акциядорлик компаниясининг филиаллари билан ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларда ҳам бундай камчиликларни кўриш мумкин. Масалан, компаниянинг Хоразм вилояти Янгиерди тумани филиали 2002 йилда 303 та ширкат ва фермер хўжалиги билан шартнома имзолаган. Бироқ уларда ўнг етказиб беришнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган. Бу билан мажбуриятдан ҳамда унинг жавобгарлигидан ўзини овоз этган. Хўжалиқлар маблагини ўз вақтида ўтказган бўлса-да, ўнг берилмасдан келинган. Агар икки томонлама тузилган шартнома юридик жиҳатдан муқамал бўлганда эди, ширкатларни ёки фермерлар ҳар ҳолда суд орқали бўлса-да, ўз ҳақларини талаб қилган бўлардилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сонли қарори билан тасдиқланган «Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш Бош давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, қишлоқ хўжалиқ корхоналари билан тузилган шартномаларнинг тўғрчилиги ва томонларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан давлат назоратини юритиш назорат қилиш инспекцияларига юклатилган. Қишлоқ хўжалиқ корхоналари билан тузиладиган барча турдаги шартномалар ана шу инспекциялар томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейингина қонуний кучга кириди. Бу ўринда яна бир фикрнинг айтиб ўтиш жоиз. Аксарият туман инспекцияларида фақат битта ходим ишлаб келмоқда. Улардан қўғилитининг малакаси етарли эмас. Хусусан, республикамизда фаолият кўрсатиб келаятган 300 нафарга яқин инспекторлардан атиги беш нафаринигина юрист экан. Шу боис ҳам шартномаларнинг қонунга мувофиқ тузилганлиги етарли даражада ўрганилмай, рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари мавжуд. Айтилайлик, дон етказиб бериш бўйича тузилган 15 та контрактиция шартномасида етказиб берилган маҳсулот баҳоси ёзилмаган. Бундан ташқари, минерал ўғитлар бўйича тузилган 48 та шартномада ўғитларнинг етказиб бериш даврлари кўрсатилмаган бўлса-да, Сурхондарё вилоятининг Бойсув тумани назорат инспекцияси рўйхатдан ўтказган.

Кўриниб турибдики, арзимас кичик бир хато ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низо келтириб чиқариши мумкин. Еҳуд бундай хўжалиқларда ҳосил етиштиришда муаммо туғилиши табиъий. Маҳсулот етиштириш ва унинг олди-сотисидан шартномалар қатта аҳамият касб этиб турган бир пайтда унга бемасандлик билан қараш соҳа тараққиётига тўсқинлик қилади.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Австралия террорчилик ташкилотларининг янги рўйхати

Австралия парламенти мамлакатда мавжуд халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатига яна олти янги гуруҳни киритди. Улар сирасига «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўда билан бирга «Усбат Ал-ансор», «Адан ислом армияси» ва бошқалар кирди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ, маъмур ташкилотлар фаолиятини ўқиб бу шаклда даҳлдор бўлган ҳар қандай австралиялик фуқаро 25 йил муддатли қамқоқ жаозасида ҳукм қилиниши мумкин. Шундай қилиб, Австралия «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўдани халқаро террорчилик глобал тизимининг узвий бўлаги бўлишига ўта хавфли террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритган давлатлар қаторидан жой олди. Пировардида айтиш жоизки, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш гуруҳ фаолиятини мана эътиртисидан қарор муқаддас дунёнинг қатор мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канада ҳамда БМТ томонидан қабул қилинган эди. «Жаҳон» АА.

Маҳалла ва талаба

ЭНГ АВВАЛО, ҚАЛБИНГИ ОБОД АЙЛА

Яқинда Самарқанд кооператив институти талабалари билан «Обод маҳалла қандай бўлиши керак?» деган мавзуда давра суҳбати ўтказдик. Табиийки, турли фикрлар айтилди. Мулоқот давомида Самарқанднинг маънавият бешиги эканлиги, унинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси, бу ерда ўтган алломалар, мутафаккиру авлиёлар хусусида сўз кетди.

Муस्ताқиллик йилларида нима учун Ўзбекистон дунёга тез танилди, деган саволга ҳамма ўзинча жавоб излади. Ва таъкидландики, бунда нафақат юксак замонавий технология, санаят эки юкори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги, балки юксак маънавияти, ўлмас қадрияти, жаҳон тамаддуни ва фанининг тараққийига ҳисса қўшган алломаларнинг ҳам улкан улуши бор.

Кўриниб турибдики, маънавият том маънода миллатни танитадиган, унинг шухратини кўтарадиган, жаҳон халқлари ичиде ўрнини белгилайдиган муҳим омил экан. Шу жиҳатдан, миллат маънавиятини ҳаётнинг ҳамма боққичида кўтариш учун курашиш ҳар бир миллатдошимизнинг бурчидир.

Миллатни жаҳонга унинг сони эмас, балки маънавияти, тарихий илдизи, маънавиятли инсонлари танитади, деган ҳулоса қилинди. Шунингдек маънавиятли инсон қандай бўлиши керак? Унинг қиёфаси бугунги кунда нима билан белгиланади деган қатор саволлар суҳбат чоғида ўз ечимини топди.


Бугунги инсоннинг тафаккури тиниқ, қалби пок, эзу ишлари муस्ताқилликни мустақамлашга, яъни миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга муносиб бўлмоғи жоиз.

Яна ҳар бир инсонда дахлдорлик туйғуси шаклланиши, ютуқ ҳам, камчилик ҳам, бойлиги камлиги ҳам меник, муваффақиятда меник ҳиссам бор, жамиятдаги камчиликларга мен ҳам айбдор дейдиган руҳият ҳақида талабаларнинг мулоҳазалари тингланди.

Дарҳақиқат, ана шундай хислатлар ҳар бир одамда шаклланишига уни маънавиятли инсон дейиш мумкин. Шундангина у ўзини хос маънавий қиёфага эга бўлади.

Обод маҳалланинг фуқароси зоҳиран ва ботинан кўркем, чиройли, меҳр-оқибатли, аҳил бўлмоғи лозим. Бу муносабатларнинг кўпини ҳеч қандай қонун эки расмий ҳужжат билан тартибга солиб, чегаралаб бўлмайди. Маҳалла обод бўлмоғи учун, аввало, уша ерда яшовчи аҳоли ўз қалбини обод айламоғи лозим. Бундан ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас.

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарқанд вилояти «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари.



Йилқичилик ривожланмоқда

Беширқ туманидаги «Авазбек» фермер хўжалиги йилқичилик-насиҳчилик иттиҳослашган. Айни кунларда бу ерда 60 бош «Қорабайир» зотли от парвариси қилинмоқда.

— Меник мақсадим, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Назиров, — зотли отларни сақлаб қолиб, уларнинг сонини кўпайтиришдир.

Мамакатимизда йилқичиликни ривожлантиришдек муҳим ишга фермерлар ҳам бел болаган экан, уларнинг савий-харакатларини қўллаб-қувватламоқ керак.



СУРАТЛАРДА: фермер хўжалигидан лавҳалар. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Қуёшга қараган бино

Намангандаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлган мисоз? Агар, йўлингиз тушган бўлса кўргандирсиз, унинг рўпарасида кўрғачлар томонга қараб қурилган бинода табиий коллежи жойлашган. Ҳар гал шу жойдан ўтаётганда ўқувчилик пайтимида бир воқеа ёдига тушади. Ушанда саккизинчи битираётганим. Сўнгги имтиҳон кунини синф раҳбаримиз ҳаммаимизни тўплади. Урғоқларимиздан уч нафарининг исми-шарифини айтиб, эълон қилди.

— Учалоқинг янги ўқув йилини СПТУда давом эттирасан!

Томдан тараша тушгандай, буйруқ оҳангиде айтилган гапдан бечора синфдошларимнинг боши қотди. Кейин билсак, мактабимизга юбориш режаси топширилган экан. Кўпчилик билале, бу билим юртлари худди жарима батальонига ўхшаб, унга ўзлаштириш қийин ўқувчиларни юборишарди. Учала йилг билим юртида бўйиндан боғландай ўқиниш, ўқиниш, бирон хунарнинг бошини тута олишмади.

Ҳашаматли коллеж доғисиде оппоқ халат кийганича машғулота шошаётган йилгит-қизларни кўриб, уларни билим юртига мажбурий равишда жалб этилган ўша синфдошларим билан солиштираман. Бунгилар бошқача. Муस्ताқил фикрлайди, азму қарорини қатъий айта олади. Масалан, ушбу коллеж талабалари бу ерни ўз билими, иқтидори, орзу-интилишларига қараб танлашган. Танлаган касбини тўла эгаллай олишига, эртага қайсидир бир ши-

ниши йўлида ҳамма нарсани тахт қилиб қўйибмиз. Ундан фақат сабот билан ўқишу, амалий кўникмаларни ўзлаштириш талаб этилади, ҳолос.

Коллеж раҳбари тўғри айтди. Бугун 2170 нафар талаба таҳсил кўраётган даргоҳинг имкониятлари бисёр. Биргина компьютернинг ўзидан 60 та бор. Интернет тармоғига уланган синф ўқувчилари хорж билан тажриба алмашишяпти. Бутгина эмас, электрон техника билан ишлайман, деганга лингафон хонаси, телемарказ, мультимедиа, бошқа воситалар шай. Телемарказ, мультимедиа, бошқа воситалар шай. Телемарказ, мультимедиа, бошқа воситалар шай.

Коллеж раҳбари тўғри айтди. Бугун 2170 нафар талаба таҳсил кўраётган даргоҳинг имкониятлари бисёр. Биргина компьютернинг ўзидан 60 та бор. Интернет тармоғига уланган синф ўқувчилари хорж билан тажриба алмашишяпти. Бутгина эмас, электрон техника билан ишлайман, деганга лингафон хонаси, телемарказ, мультимедиа, бошқа воситалар шай. Телемарказ, мультимедиа, бошқа воситалар шай.

Миллий дастур ниҳоллари

Илгари талабалар фақат махсус адабиётлари санокли табиий жиҳозлар ёрдамида сабоқ олишган бўлса, бугун аҳвол бутунлай ўзгача. Мураккаб ташхис ва даволаш ускуналари, замонавий компьютерлар, старлари бунда. Қўзи пишсин, деб бўлжак ҳамшираларни амалий машғулотлар учун шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, виллоятнинг бошқа йилриқ шифохоналари-га олиб боришяпти.

— Талабаларимизнинг дунёқарашини аввалги билим юрти ўқувчисиникидан тубдан фарқланади, — дейди коллеж директори Раҳматилла Муҳиддинов. — Бу табиий. Чунки, улар ўтмишдаги сингари ўқувчи ўрнини тўлдиршиш учун эмас, ҳақиқий мухтаassis бўлишга, шунда ҳам жаҳондаги ҳеч бир ҳамкасбидан қолинмайди даражадаги билим ва малакага эга бўлишга интиляпти. Мақсади натижага айла-

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тикрит назорат остида

Америка денгиз пйеда қўшинлари Садам Ҳусайн туғилган шаҳар — Тикрит марказини назорат остига олишди, деб хабар беради Катарнинг «AL — Jazeera» телеканали.

Телеканал мухбирининг айтишича, айни пайтда Тикрит Америка қўшинларининг тўлиқ назорати остига ўтди. Ҳозир ҳарбийлар маҳаллий аҳоли етакчилари билан қаршилик кўрсатаётган сўнгги нуқталарни бартараф этиш бўйича музокаралар бошлашди.



Садам Ҳусайн тирикми?

Ироқлик таниқли журналист Амр Наффоҳ «AL — Jazeera» телеканалига берган интервьюсида Садам Ҳусайн 7 апрелдан 8 апрелга ўтар кечаси Бағдоднинг «Ал-Мансур» даҳасига авиация зарбалари бериш пайтида ҳалок бўлганини маълум қилди.

Наффоҳнинг «республика гвардияси махсус бўлими аскарларидан бирининг» маълумотига таянган ҳолда таъкидлашча, зарбалар натижасида Садам Ҳусайннинг ўғиллари Кусай ва Удей ҳамда Ироқ раҳбариятининг ярми ҳаётдан кўз юмган.

Нефть қудуқларидаги ёнғин ўчирилди

Қувейтлик мутахассислар Ироқ жанубида мамлакатга коалиция киришидан олдин ўт қўйилган нефть қудуқларининг барчасини ўчиришди, деб хабар беради «News ru».

Маълумотларга қараганда, коалиция жанубида кирганда, Садам Ҳусайннинг тарафдорлари 30 та нефть қудуғини ёндириб юборган эди.



Натижасиз музокаралар

Голландияда христиан-демократлар ва лейбористларнинг биргаликда коалицион ҳукумат тузиш бўйича музокаралари натижасиз тугади, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.

Мамлакат ҳукумати матбуот котибининг маълумоти-га кўра, музокараларнинг муваффақиятсиз якунланишига партияларнинг давлат тизимига турлича қарашлари сабаб бўлди.

Вирус аниқланди

«Рейтер» агентлигининг хабарига қараганда, мухтаassis- шифокорлар номаълум зотилжам касаллигининг вирусини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Олимлар ушбу вирусни италиялик шифокор Карло Урбани номи билан аташни таклиф қилишмоқда. Чунки у ушбу касалликка чалинган биринчи беморларни даволашни бошлаган ва ўзи ҳам шу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмган эди.

3

ЯНГИ ВИЛОЯТ! GSM ХАРИТАСИДА



ЯҚИНДА! ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ, ЯНГИ ХИЗМАТИ!

Plus

«ПРЕСТИЖ» 99\$ РЕЖАСИ
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ
+ SMS ВА VMS
БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 1000 долларда кўрсатилган ва ҳамма сонларини ўз ичига олади),
2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

Хизмат кўрсатиш режалари	Абонент тўлов (\$)	Илкчи алоқаси баҳоси (\$)	Илкчи алоқаси баҳоси (\$)	Илкчи алоқаси баҳоси (\$)
Заскловна	2.0	0.08	0.10	Бепул
Престиж	99.00			Бепул

Илова:
«Уздунробита» НН тармоғи бўйича GSM русумида ягона руяқатта олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида қучга эга.
«Уздунробита» компаниясининг ушбу ва яна чет элданги иштарийлари раиданига қўйириқ қилиш учун +998 97 вилдан фойдаланилади.

Хизматлар лицензиялаштирилган

Нечаю - Кундуз маълумотлар хизмати:
130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
«Уздунробита» НН телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили:
Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй («Лабзан»)
www.uzdunrobota.uz

SMS ҚИСКА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ



«Харакат хавфсизлиги ойлиги»

бундан кўзланган асосий мақсад кишиларни огоҳликка даъват этиш

Техника тараққиёти илгирлагани сари инсон ҳаёти, унинг хавфсизлиги масаласи глобал муаммага айланмоғи табиий. Айниқса, ҳозирги кунда техниканинг жадал суръатда ривожланиши кишиларни бу масалага жиддий эътибор беришга ундамоқда. Биргина мисол, ибтидоий даврда кашф этилган оддий йилдирак эндиликда транспорт воситалари кўри-нишида намоён. Ҳар куни давр соати каби биз билан бирга ҳаракатланаётган бу автоулов баъзи ҳолларда инсон ҳаётига ўзига хос хавф келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас. Оддий йул ҳаракати қондаларига амал қилмаслик, баъзан одамларнинг фо-жиали ҳалокатига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда шундай хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиш аъёнага айланган. Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан шу йил 15 апрелдан 15 майга қадар «Харакат хавфсизлиги ойлиги» деб эълон қилинишида ҳам шу мақсад кўзда тутилган. Унда йул-транспорт ҳоисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ойлик тадбирда, биринчи навбатда, асосий эътибор транспорт ва пиёдалар сарқатнов йулларга қаратилади. Чунки айнан шундай жойларда пиёдаларнинг тартибсиз ҳаракати ёки белгиланган кўриқлардан ўтмаслиги автомобиль ҳайдовчиларига ҳам ноқулайликлар келти-

риб чиқаради. Айниқса, шошқалоқликлар туфайли кўп нарсга парво қилмайдиган ёш болаларнинг «ул-турган» деган ўй-хаёллар билан йулдан чиқишлари йул ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг доимо диққат-марказида туради. Шунинг учун мактаб ва мактаб-таълим муассасаларида йул ҳаракати хавфсизлиги қондаларини керакли кўрсат-малар, кўргазмали қуроллар билан тушунтириш лозимлиги назарда тутилган.

Айтиб ўтиш жоизки, транспорт воситаларининг техник носозлиги кўп ҳолларда қалтис вазиятларни юзга келтиради. Бу эса инсон ҳаётига хавф остига қўйиши шубҳасиз. Шунинг учун мақzur ойликда техник тайёргарликни янада яхши-лаш устувор вазифалардан биридир.

Шунингдек, бу давр мобайнида йул ҳаракати хавфсизлиги ходимлари транспорт ва пиёдалар ҳаракатланаётган жойлардаги турли камчилик-ларни аниқлаб, уларни бар-тарafd этиш чораларини кўра-дилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Харакат хавфсизлиги ойли-ги» инсон ҳаёти хавфсизли-гини сақлашда, турли авто-ҳалокатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хайрли иш-лардан бири сифатида шакл-ланган ушбу тадбир халқи-мизни йил давомида йул ҳаракати қондаларига қатъ-ий амал қилишга ундайди.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётида юксак аҳамият касб этувчи, соғлом муҳит яратувчи восита ҳисоб-ланиши ҳаммага аён. Мам-лакатимизда болалар спорт-ни ривожлантириш ҳамда юксалтириш асосий вазифа-лардан бири сифатида бел-гиланиб олинганлиги боиси ҳам шунда.

Учқудуқдаги «Сокол» спорт мажмуини вилоятдаги энг намунали масканлардан бири сифатида тан олинши бежиз эмас. Икки қаватли бино ичидаги қулайликлар, ташқарисидаги футбол, во-лейбол, баскетбол майдонла-ри, теннис корти, ёпиқ су-зиш бассейни, қўйингчи, спортнинг барча турлари билан шуғулланувчилар учун шарт-шароитлар етарли. Им-кониятлардан, аввало, болалар ва ўсмирлар фойдаланаёт-ганлиги янада қувончли.

Ахир, қайси болакай ўзла-ри билан машғулотлар ўтқа-заётган, аммо бутун дунёга таъинланган ака-опаларига ўхшашни ният қилмайди, дейсиз. Дюдо бўйича жаҳон кубоги соҳиблари Елена Ма-

Қизилқумдаги «Марварид»

лючина, Людмила Кожемя-кина, науэрлифтинг бўйича Осиё чемпиони Надежда Ма-люгиналар номи спорт ола-мида ҳаммага таниш.

Ёки ҳали мактаб партаси-да ўтирган, аммо халқро спорт талабларини бажарган опа-сингил Ксения, Настя, Юлия Пашковаларга ким ҳам ҳавас қилмайди. Улар Утган йилнинг октябрь ойида Ко-реянинг Пусан шаҳрида ўтқа-зилган Осиё ўйинларида су-зиш бўйича совриндор бўли-шиб, мамлакатимиз шухра-тига-шухрат қўшдилар. Му-тахассисларнинг таъкидла-шича, қизалоқларнинг имко-ниятлари анча юқори, 2004 йил Олимпиада ўйинларидан умидлари бор.

«Оммавийликдан — янги рекордлар сари!» Учқудуқ-ликларнинг шiori шундай. Мухими, бу мезон ёшликдан шаклланаётганлиги алоҳида

эътиборга молик. Қаранг, мажмуада спорт билан дои-мий шуғулланувчи мингга яқин кишиларнинг ярмидан кўпроги болалар ва ўсмир-лардир. Сузиш секциясида 200 га яқин ўғил-қизлар қат-

Болалар спорти

намоқда. Дюдо билан шу-ғулланувчилар 250 нафардан ошди. Футболга қатнаёт-ган 70 ўспиринни «Қизил-қум» командасининг эртаси дейиш мумкин. Вoleyболни хуш кўрувчи 80 га яқин бо-лалар ўнлаб мусобақалар голиби. Парашют спорти билан шуғулланаётган 12 ўспи-риндан эртага доворак ас-карлар ёки учувчилар етишиб чиқишига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Бундан ташқари спортнинг 45 тури бўйича алоҳида гуруҳлар фао-

лият кўрсатапти. 8 та сло-матлик гуруҳи муттасил тулдириб борилди.

— Асосий эътиборни бо-лалар спорти ривожига қаратганмиз, — дейди маж-муа директори Геннадий За-харов. — Аввало, шароит, сўнгра иқтидорли мураббий-лар барча муваффақиятлар омиди. Бизда шундай имко-ният яратилган. Қизилқум-нинг энг чеккасида жаҳон андозларига мос «Марва-рид» сузиш ҳаваси борли-гига баъзилар ишонмаслиги мумкин. Елена Пашкова, Алмис Қўлошев, Ирина Они-шенко каби мураббийлар қўлида тарбияланаётган ўғил-қизлар эрта-индин жаҳон миқёсида Ватанимиз шара-фини ҳимоя қила олади, де-сам асло алашмайман. Қай-си бир спорт тури бўлма-син, вилоят мусобақалари со-вриндоримиз. «Сокол» фут-

бол клубимиз бир неча йил-дан бери вилоят кубогини, қўлдан бермайпти. Кўрасиз Учқудуқдан яна ўнлаб че-мпонлар чиқади. Навоий кон-металлургия комбинати эса болалар спорти учун ҳеч нарсани аямайпти.

Дарвоқе, Учқудуқда бўлсангиз, «Заргаров ва унинг жамоаси» деган иборани эшитасиз. У ўз вақти-да жамоасини республика чемпионатида совриндор эт-ган. Вилоят спорт қўмита-сининг раиси Эбодулла Раҳ-моновнинг фикрича «Энг зўр мутахассис ва ташкилот-чи инсон». Билдикки, худуд-да болалар спорти тақдирини шундай улабурон кишилар қўлида экан, чемпионлар бе-шиги тебранаверади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шафоат Раҳматуллаев Сурхон воҳасининг ҳассос шоири. Унинг лутфи-суҳанини етти яшардан етмиш ёшгача бўлганлар баравар ту-шунадилар. Чунки шо-ирнинг рубойлари, газаллари, достонлари-да болаларча мусофо-лик, тиник туйғу, Ватан-га муҳаббат, ҳаёт ҳоди-саларига бетакрор, те-ран нигоҳ ёғилиб тура-ди.

У қирқ беш йилдан буюн шеър битади. Мух-лислари ҳали сиёҳи

ШАФОАТ ШОИР ШЕЪР ҲАҚИДА

қуримасдан унинг шеър-ларини ёдлаб оладилар. «Жануб шамоли», «Умид остонаси», «Озод сўз» деб номланган китобла-ри қўлдан-қўлга кўчиб юради.

Шоирни ҳукуматимиз «Шўхрат» медали билан тақдирлаган.

Сурхон ахли яқинда Шафоат Раҳматуллаев-нинг 60 ёшини нишон-лоди. Тўйда қатношган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шо-ири Абдулла Орипов Шафоат акани ўзи-нинг самимийлиги, қал-би ва орият поклиги-нинг уйғунлиги билан чинақамга шоирлигини айтди. Кеча жўшқин мушоираларга уланиб кетди.

Маданий ҳаёт

Чимён қишлоғида бу тўйга қизгин ҳозирлик кўриляпти. Яқинда улғу зот номи-ни ёд этиш учун Ўзбеки-стон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими та-шаббуси билан бир гуруҳ ёзувчилар, шоирлар ва санъаткорлар гўзал Чимён-

ҲАЗРАТИ ҚУВАЙДОНИ ЁД ЭТИБ

2004 йилда ҳассос шоир, маърифатпарвар инсон, етук аллома Хужаназар Хувайдо таваллуд тогани-га 800 йил тўлади. Шу му-носабат билан шоир яшаб ўтган Фарғона туманида

га таширф буюрилди. Хувайдо, қабри зиёрат этилган, тумандаги 12 ва 13-мактабларда Охунжон Ҳақимов, Йўлдош Сулай-мон, Малика Мирзаева, Исмоил Махмудов каби ижодкорларнинг чиқишла-ри, Султони Маннопов, Назиржон Назаровдек каби санъаткорларнинг Хувайдо газали билан ай-тилган қўшиқлари ишти-рокчиларда катта таассурот қолдирди.

га таширф буюрилди.

Хувайдо, қабри зиёрат этилган, тумандаги 12 ва 13-мактабларда Охунжон Ҳақимов, Йўлдош Сулай-мон, Малика Мирзаева, Исмоил Махмудов каби ижодкорларнинг чиқишла-ри, Султони Маннопов, Назиржон Назаровдек каби санъаткорларнинг Хувайдо газали билан ай-тилган қўшиқлари ишти-рокчиларда катта таассурот қолдирди.

Собир ДАДАХҲУЖАЕВ.

Газетада босилмади, аммо...

Ёрдам бериладиган бўлди

Қибрай туманидаги Дўстлик кўчаси 21-уйда исти-қомат қилувчи фуқаро Р. Ражапова тахририятимизга ёзган шикоят хатига салкам ўттиз йил тиббиёт соҳасида хизмат қилганлиги, эндилик-да ҳасталика чалиниб даво-ланишга қийналиб қолганли-гини баён этган эди.



— Мен ҳоким қабулига кира оладим, — деб ёздаи онахон, — сўнг ёрдам сураб ма-ҳалла қўмитасига мурожаат қилдим. Аммо бир йилдан буюн натижа бўлгани йўқ. Биз ушбу шикоят хати бўйича Қибрай тумани ҳоки-ми С. Тўшқужаевдан расмий жавоб олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

Шикоят хати тегишли манзилга бориб ўрганилди. Ражапова Раҳимажоннинг соғлиги, ногиронлик ҳуқуқини кўриб чиқиш мақсадида туман ТМЭК раиси В. Н. Матруфхонов ҳам ишти-рок этди. Шифокор томонидан Раҳима опанинг соғлиги текши-рилиб, даволанишга имконияти бўлган қуниёқ «Республика Та-янч ҳаракат реабилитация маркази»га ордер ёзиб бериш ке-лишди. Янгибоб қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла оқоқоли томонидан кам таъминланган оналарга кўрсатилган мол-дий ёрдам ажратиш жорий йилнинг II чорагаи белгиланди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

A4 форматли, зичлиги 80 гр/м² ва 45-50 гр/м² бўлган 2,5 килограмдан кутиланган (пачка)



ЎЗУВ ҚОҒОЗЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар маълумот олиш учун эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Тошкент ш., Абай к., 4-уй, 227-хона.

Тел.: 144-89-60, факс: 144-44-57, учконтелв 200

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси де-вонининг масъул ходими Д.Ш. Анорқулова ўғли РАВШАНЖОНнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жа-моаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъ-ул ходими Донёр Шомуродович Анорқулова фарзанди РАВШАНЖОНнинг бевақт вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги нашриётлари ҳамда матбаа корхоналари жамоалари агентлик бош директори Р. Шогуломовга қиз ЭЛЬВИРАХОНнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Рес-публика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Назрулла Файзул-лаевга турмуш уртоғи ЭЛЬВИРА ШОГУЛОМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжалиқмаш-ҳолдинг» компанияси ва «Машҳол-динг-сервис» корхонаси жамоалари Қорақалпоғистон Респу-бликаси техник маркази директори Илҳом Мадримовга папани бузувчиси ДАВЛАТ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

2003-2004 ўқув йилига 1996 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларини

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА ҲАҚИДА ТУНДАШ

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Аризалар 2003 йил 1 майдан қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 2 июндан бошланади.

Маълумотлар: 700152, Тошкент ш., Акмал Икромов тумани, 22-майда, 1-«А» ўй.

Автотўлар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182. Тролейтўлар: 12, 13. «Москва остонаси» бекати. Телефонлар: 74-92-21, 74-96-45.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

муддатли омонатнинг ўсиб борувчи фоиз ставкали «Хазина» деб аталган янги турини таклиф этади:

- фоиз ставкаси дастлабки 3 ойда йилига 36 фоиз бўлиб, кейинги ҳар чоракда 2 фоиздан кўпайиб боради ва йилига 42 фоизга етиб, фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади;
- омонатга пуллар 2003 йил 10 мартдан бошлаб 1 йил муддатга қабул қилиниб, хоҳишига кўра, бу муддат узайтирилиши мумкин;
- биринчи бадалнинг минимал миқдори — 10.000 сўм;
- кўшимча бадаллар — камида 10.000 сўм;
- фоизлар ҳар уч ойда ёки муддат тугаганидан сўнг тўланади.

Йил охирида ҳисобварағида сақланаётган омонат қолдиғи 3 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган миқдорларга мукофот берилади.

Миллий банк — пулларингиз сақланишига ва даромад келтиришига кафолатдир.

Кўшимча маълумотларни куйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин: 137-62-81, 137-62-83. www.nbu.com

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси «Народное слово»нинг Қа-шқаларё вилояти бўйича ўз мухбири А. Алику-лова папани бузувчиси РАМАЗОН отанинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент университетининг» акциядорлик жа-минати жамоаси университет савдо бўлимининг собиқ бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган савдо ходими Улмас УМАРОВАнинг вафот этганини билдириб, марҳумининг онда аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия из-ҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбоса-ри — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), И. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАЙШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбоса-ри — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65; Маънавий ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 133-52-55; Фаи, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термид ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — С. ДОНИЕРОВ. Мусоҳҳах — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21. 00. 1 2 3 4 5 6

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!